

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улўғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни ўтмишни, тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Ислом КАРИМОВ



Буюк шоир, донишманд бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари, киши завқини оширадиган дилбар газаллари, "Аруз" номи салмоқли рисола-сини мутолаа қилганда унинг шахсиятидаги ибратли хислатларга дуч келаверамиз.

Улуғвор орзулар васфи

Асл мақсади бобоси Амир Темури салтанатини қайта тиклаш ва бошқариш экан, бу йўлда у ўзга режаларидан воз кечиб, бир умр ҳаракат қилди. Бунинг учун яқинларининг фитнао хиёнатларини кечирди, душманлари билан сулҳ тузди. Хиндистон султони Иброҳим Лўдийнинг ўзи билан бўлган жангда вафотидан сўнг унинг онасига кўп мурувват кўрсатди, саройидан жой берди. Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, диншуноси эди. Араб алиф-

нинг эҳтиросли лаҳзаларини кузатиш мумкин. У имкони борича умрни сермазмун, хуш ўтказишни тарғиб қилар экан, маъшуқа образини илҳом билан тасвирлайди, уни нозиклик жиҳатидан сочини белчи ва яна белини сочинлик нозикликда тасвирлайди. Шоир ана шу ёр, севики дилбари билан ўтган даминни дунёдаги барча фурсатдан ортик билди, худди ана шу туйғу ҳам Бобурнинг нақадар ҳаётга интиқлиги, гўзалликни севишидан далолат беради:

ХАШИНА

Сочинг белинчау даги сочи киби ёринг, Лафот ичра йўқ фарқи бу иккинчиг сари мўи. Муассар бўла билгиллик, бори оламдин ортиқдур, Кабобиш майи ношио махтоби махруйи.

босининг мураккаб, ўрганилиши оғир бўлганлиги боис янги "Хатти Бобурий" алифбосини яратган, давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига кулай тарзда тартиб берган, Хуросон ва Хиндистонда Мовароуннахр тамаддунини ёйиб, замондош ҳукмдорлардан фарқ қилган ҳолда, Кобул ва Хиндистоннинг ийрик шаҳарларида кўзни қамаштирувчи обидалар қурган. Хиндистонда оддий халқ дардига ярайдиган кўплаб иншоотлар: мадраса, шифохона, масжид, раббатларни бунёд этганки, бу унинг маҳаллий халқ орасида катта шўҳрат қозонишига сабаб бўлган.

Бобур — ҳассос шоир. Унинг газаллари, рубоий ҳамда қўталари, маснавий ва фардларда ҳаётга муҳаббат, умрининг ўткинчи лаҳзаларини ғанимат библиш, роҳатланиш каби кайфият устунлик қилади. Айниқса, газалларида ҳасби ҳол — шоирнинг таржимаи ҳолига мойил қарашлари, орзу ва армонлари, шодлиги ҳамда гамгинлиги, беморлигининг аччиқ давлари ва чексиз шодмонли-

Хасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.



РУБОЙЛАР

Хотирни баҳор фаслида гашт оладур, Кўз нурини ранги лолао дашт оладур. Хуш улки, толаларда юруб сайр этса, Бу фаслдаким, латифу дилкаш толадур!

Туз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Юз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур! Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор Уз, ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

Комусий аллома, ўзбек муомтоз адабиётининг атоқли намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти миллий адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий адабиётимиз ва тарихимиз саҳнасида ўчмас из қолдирган кўплаб аждодларимиз қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолиятини ўрганиш борасида қатор эзгу ишлар амалга оширилди.

Нафис сўз санъаткори

М У Т О Л А Хусусан, унинг назмий девонлари, "Бобурнома", "Аруз рисолаи", "Волидия" сингари нодир асарлари қайтадан нашр қилинди. Бобур ва бобурийлар ҳақида хоризжда яратилган юзлаб бадий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, уларнинг аксарияти она тилимизга таржима қилиниб, китобхонлар

этиборига ҳавола этилди. Шу билан бирга, замондош шоир ва ёзувчиларимизнинг улўғ аждодимиз ҳақидаги рисолалари, бадий асарлари китоб ҳолига келтирилди. Таъкидлаш керакки, Бобурнинг умри давомида кўнглида асраб-авайлаб юрган кечини-малари, армон ва орзуларини "Бобурнома"дек дунё адабиёт-

Ў раб, нетайин, не юзқаролиғ бўлди. Қолаверса, Бобур инсоний фазилатлари, ёр васлини қуйлади, одамларни яхшилиқка, адолат, инсонпарварлик, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга, асрашга чақирди: Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур. Яши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур. Бобур турли соҳага оид асарлар ёзди. 1522 йилда ўғли Хумоюн Мирзога атаб "Мубайин" номи асар битди. Унда солиқ тизимидаги ва

бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берди. Шунингдек, "Хатти Бобурий", бизгача етиб келмаган, бироқ тарихий манбаларда бу ҳақда айtilган "Муфассал" номи асарларида нафақат тарихчи, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини мукамал билувчи олим эканлигини намойён этган. Хулоса ўрнида айтганда, Бобур ижоди, айниқса, унинг адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид ноёб асарлари бизга тарихимиз ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, боқий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатади.

Мавлуда ХОЛБЎТАЕВА, Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.



ҲАЗАЛ БЎСТОНИ

ТОПИЛМАС

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас, Мендек санга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен, Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр кўз олидау ул ёр аён йўқ, Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки ҳуснуғ чаманида, Кўзни юмуб очқунча, бу гулзор топилмас.

Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ эттил, Оламда кишига йўқ эса, ёр топилмас.

Жамолнинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен, Не кун бўлгай, висолинга мени дилхаста этгаймен!

Тарахҳум юзидин юзунги кўрмакка буюрғайсен, Хуш улким, оразинги кўрмамен, сўзунг эшитгаймен!

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйунумга маҳкам қил — Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, иитгаймен.

Тарахҳум қилмасанг ё боқмай, истиғно била ўтсанг, Тазаррув қилгамен ё йиғлағаймен — ўзга нетгаймен?!

Муассар бўлмаса бошимни қўймоғлиғ аёғиға, Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ этганча кетгаймен!

ХАКМАТЛАР

«...Бори ёмонлиг қилмагил»

Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон, Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон.

Умр ғафлатда ўтқариб борасен, Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен.

Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмағай.

Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса, не тонг?!

Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас, Сўз борки, айтса — деса бўлмас.

Ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур.

Яхшилиғ чун қилмадинг, бори ёмонлиғ қилмағил.

Бобур — дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган.

Жавоҳарлаъл НЕРУ.

"Бобурнома" Осийнинг ҳаққоний тарихини акс эттирувчи китоб.

М. ЭЛФИНГСТОУН.

"Бобурнома" бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир.

Анетта БЕВЕРИЖ хоним.



Эй ел, бориб аҳобқа номимни дегил! Ҳар ким мени билса, бу паёмимни дегил! Мендин демағил гар унутулгон бўлсам, Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил!

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5